# ҚЎРҚУВ

## Бугунги кунда Россия фуқароси нафақат жиноятчилардан, балки милициядан ҳам қўрқиб яшамоқда

*МИЛИЦИЯНИНГ бебошлиги умуммиллий муаммога айланди. Бугунги кунда Россиянинг бирор фуқароси милициянинг зўравонлигидан муҳофаза қилинмаган. Вазият шундайки, милиция кийимидаги кишилар беистисно, исталган фуқарони обдон калтаклаши мумкин. Ва энг даҳшатлиси шундаки, «тартиб сақловчилар»нинг бундай хатти-ҳаракатлари деярли ҳар доим жазосиз қолади. Биз прокуратурага юзлаб норозилик хатлари юборамиз ва деярли ҳар сафар «Сизнинг аризангиз кўриб чиқилди, милиция ходимлари томонидан қонунбузарлик содир этилгани аниқланмади» мазмунидаги бир қолипда жавоб оламиз», — дейди Пенитенциар муассасалар васийлари жамиятининг раиси Андрей Бабушкин.*

«МОСКВАДАГИ ҳукуматдан ташқари ташкилотларнинг ўзигагина ҳар ойда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан калтакланганлик ёки қийноққа солинганлик ҳақида юзлаб шикоятлар тушади. Қийноққа солинганлик ҳақидаги гувоҳномалар матбуотда эълон қилинади», дея таъкидланди жиноий судлов тизимидаги ислоҳотга кўмаклашиш жамоатчилик марказининг маърузасида. Афсуски, милиция ходимларининг қонунбузарлигига оид расмий статистика йўқ. Бироқ бундай ноҳуш хатти-ҳаракатлар кўламини турли социологик сўровлар натижаларига қараб тахминан баҳолаш мумкин. Чунончи, Пенитенциар муассасалар васийлари жамияти ўтказган сўров маълумотларига қараганда 10 фоиз аҳоли милиция ходимларининг зўравонлигидан жабр чекади. Россия Федерацияси ИИВ илмий-тадқиқот институтининг Нижегород шуъбаси маълумотларининг гувоҳлик беришича, бу нисбатан тинч минтақада жиноятчиликдан жабр кўрганларнинг 48 фоизи, шу жумладан, 38 фоизи бунданам баттар ҳолга тушмаслик учун милицияга хабар бермасликни маъқул кўрганлар. Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳукуматдан ташқари рус-америка гуруҳининг сўров маълумотларига кўра аҳолининг 43 фоизи милиция билан алоқа пайтида ноҳуш ҳис-туйғуга дуч келади. Шу билан бирга сўровга жавоб берганларнинг 27 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан мулоқотда бўлгандан сўнг уларга нисбатан фикрлари ўзгарганини таъкидлади. Шулардан 81 фоизининг милициядан ихлоси қайтган.

Жиноий судлов тизимидаги ислоҳотга кўмаклашувчи жамоатчилик маркази раҳбари, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги суд ислоҳоти бўйича кенгаш аъзоси, собиқ сиёсий маҳбус Валерий Абрамкин шундай таъкидлайди: «Мен эскиси эмас, балки бугунги ГУЛАГ (Қамоқхоналар бош бошқармаси) муаммоси билан шуғулланаман. Бизнинг марказимиз архивида қачонлардир эмас, балки айнан шу кунларда содир этилаётган ваҳшийларча қийноғу азоб-уқубатга солишлар ҳақидаги кўплаб хат ва гувоҳномалар сақланмоқда. Ҳатто, коммунистлар ҳукмронлик қилган даврларда ҳам ҳозиргидек ақл бовар қилмайдиган бедодлик бўлмаган эди. Инсон ҳуқуқлари борасидаги энг ижобий вазият «қути учган коммунистлар» даврида (тахминан 1988 йилдан 1991 йил охиригача) ҳукм сурганди. Кейин эса янги ҳукмдорлар эс-ҳушларини йиғиб олишиб, ўзларига бино қўйишда ўтмишдошларидан ҳам ўтиб кетдилар!»

Абрамкиннинг фикрича, бугунги кунга келиб мамлакат коммунистик ва демократик маҳфия таъсири зоналарига бўлинган. Ва собиқ коммунистик номенклатура бошқараётган вилоятларда инсон ҳуқуқлари ҳукумат тепасида «демократ»лар ўтирган жойлардагидек ошкора бузилаётгани йўқ. «Узоқ йиллик бошқарув давомида коммунистларда ўзлари учун номатлуб бўлган кишиларни йўқотишнинг дурустгина шаклланган тизими вужудга келди: улар ўша шахсни обрўсизлантирувчи маълумотларни тўплаб, «муртад»ни жиннихонага ёткизишарди. Янги ҳукумдорлар эса ҳали бундай бой тажриба тўплашга улгурганларича йўқ ва ўтмишдошлардан фарқли ўлароқ қонунларни менсимаган ҳолда янада кўполлик билан «пешонасига тушириш»ни афзал биладилар. 1985 йили қамоқдан чиққанимдан сўнг мени милиция назорати остида Тверь вилоятининг чекка қишлоғига жўнатишди. У ерда маҳаллий бошлиқлар билан тезда уришиб қолдим. Мендан қутилиш учун маҳаллий матбуотда компанияни авж олдиришиб, 99 тийин ўғирлади, дея ҳужжат тўғрилашди. Ҳозир бўлгандами, ўйлайманки, ҳам тезда, ҳам боплаб таъзиримни бериб қўйишарди. Гарчи, айрим вилоятларда ҳокимият тепасида ҳақиқий демократлар турган ва улар ўзларини коммунистларга нисбатан муносиброқ тутаётган бўлсалар-да», — дейди Абрамкин.

Унинг фикрича, бугунга келиб милиция жиноятчилик дунёси билан бирикиб кетган. «Ҳатто, дейди у, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибидаги жиноятчилик даражаси рўйхатга олинаётган жиноятчилик даражасидан асло паст бўлмаслиги ҳам мумкин. Мен танишларимга ва шунчаки, йўлда учраганларнинг айримларига шундай савол бердим: сиз кимдан кўпроқ қўрқасиз — милиционерданми ёки жиноятчидан? Йўқ, мен одамларни атайин танлаб сўровга тутмадим. Аммо мен эришган натижа, ўйлайманки, аҳоли кенг гуруҳини социологик сўровдан ўтказган тақдирда ҳам такрорланиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Яъни кексалар ва аёллар барибир кўпроқ жиноятчидан, эркаклар ва ўсмирлар милиционердан қўрқишаркан. Бизнесмен ва тижоратчиларга келсак, менинг қамоқхонадошларим таъкидлаганидек, қандайдир маҳфиядан эмас, балки фақат милициядан ҳайиқишар экан. Безорилар билан милициянинг таъсир доиралари аниқ қилиб бўлиб олинган. Маълум савдо шаҳобчаларидан милиция, бошқаларидан маҳфия улуш йиғади. Биргаликда назорат қилишадиган зоналар ҳам бор». Бундан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчининг фикрича «одатда жиноятчилар милиционерларга нисбатан камроқ «солиқ» оладилар, улар билан келишиш осон».

Собиқ сиёсий маҳбуснинг сўзлари қуруқ гапга ўхшамайди. Шуниси қизиқки, мен бу муаммо билан махсус шуғилланмаган пайтимда ҳам ўзига хос милиция бизнесини тез-тез кузатишимга тўғри келарди.

Ҳар якшанбада Курск вокзалидан дачамга йўл оламан ва кўпинча қуйидаги манзарани кузатаман: поездда юрувчи милиционерлар маст-аласт одамлардан «солиқ» йиғадилар.

Келинг, ниҳоят, расмий статистикага мурожаат қилайлик (афсуски, фақат 1993 йилги маълумотларни топишга эришдим, бироқ, ўйлайманки, ҳозир ҳам аҳвол ўша пайтдагидан яхши бўлмаса керак, албатта): қонунийликни бузгани учун 4300 (5,8 фоиз) ходим жавобгарликка тортилди. Уларнинг учдан биридан кўпроғи жиноятни ҳисоб-китобдан яширгани, исботни сохталаштиргани, жиноий иш қўзғашдан асоссиз бош тортгани, 500 дан зиёд оператив ходим жиноий гуруҳлар билан ҳамкорлик қилгани учун жазоланди. Ички ишлар ходимларининг ўзлари 2200 та қастдан жиноят содир этдилар.

«Балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар бўрттиришаётгандир. Ҳаммасини шахсий тажрибада текшириб кўриш керак» — дея қарор қилдим. Юракни бақувват қилиш учун дўстим Максим Капиловни ёнимга олиб, кеч қоронғида марказнинг Гоголь хиёбонига йўл олдим. Кўзга шубҳали бўлиб кўриниш учун бир шишадан пиво ҳам кўтариб олдик.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Соат 24 ларда икки милиционер (кейин аниқладим — улар Писаревский ва Исав эди) бизга яқинлашди ва қўпол муомалада ҳужжатларимизни сўрашди. Мен ҳужжатимни кўрсатиб «Нима гап ўзи?» дедим. Саволим тартиб бузарларни хурсанд қилиб юборди. «Қаранг-а, ўз ҳуқуқини ҳам билади! Балки, у ғирт мастдир! Қани, биз билан юринглар-чи».

Шу тариқа мен 60-милиция бўлимига «тушдим». Бу ерда милиция билан жанжаллашмаган маъқуллигини яна бир марта тушунтиришиб, ҳеч қандай тиббий экспертизасиз хушёрхонага жўнатишди. Милиция билан баҳслашмаган «ақлли» Максимни эса қўйиб юборишди.

Соппа-соғ кишига хушёрхонада бўлиш жуда зерикарли ва ноқулай. Ёп-ёруғ хонада эрталабгача ётиб, ҳатто, мижжа қоқолмадим. 470 минг рубл пулим йўқолганини билганимда янаям дилим сиёҳ бўлди. «Биз инсон учун жавоб берамиз, пул учун эмас», деди ширингина илжайиб навбатчи.

Мен тажрибани охирига етказгунча мардона туришга аҳд қилиб, норозилик аризамни туманлараро Пресненск прокуратурасига йўлладим. Уч ҳафта ўтгач, ҳарбийчасига аниқ-лўнда жавоб олдим: «Сизнинг аризангиз кўриб чиқилди, милиция ходимлари томонидан қонунбузарлик содир этилгани аниқланмади». Абрамкин шундай дея қўрқитади: «Жаллоду баттоллардан иборат катта армия етилган. Бу кадрлар шундай ролга нафақат касбий, балки руҳий жиҳатдан ҳам тайёрдирлар. Ахир бир одамни иккинчи бир одамнинг баттолига бирданига айлантириб бўлмайди, бинобарин, у одамхўр йўлбарсдек, аввал одам гўштини татиб кўрмоғи лозим... Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фуқароларга нисбатан жиноятлари, қийноқлари, калтаклашлари, ушлаганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлари, маҳбусларни инсонларга мос бўлмаган шароитларда ҳибсда сақлаш — буларнинг ҳаммаси бугунги кунда нафақат инсон ҳуқуқларини поймол этиш, балки жамиятимизнинг иккита қўрқинчли йўлдан ривожланишига шарт-шароит яратиб беради: тоталитаризмнинг ҳеч қандай қаршиликсиз ғалаба қозониши ва ижтимоий портлаш, мана шу иккинчиси Россиядек давлатда жаҳон миқёсидаги ҳалокатга олиб келиши мумкин».

Афсуски, Чеченистонда юз берган воқеадан сўнг бу тахминни тутуриқсиз дейиш қийин. Грознийнинг бомбардимон қилиниши, мамлакатнинг янги йўлбошчилари ўз мақсадларига эришиш учун ўйлаб-нетиб ўтирмай, миллатдошлари бўлмиш аёллар ва болалар умрини хазон қилаётганларини бутун дунёга намойиш этди.

Маҳаллий аҳолининг ва айнан ҳарбийларнинг ҳам гувоҳлик беришича, кўпроқ ички қўшинлар аскарлари ва ОМОНчиларнинг ўзлари Грознийда талончилик билан шуғулланмоқдалар.

Инсон бебошликка, осонгина бойлик орттиришга жуда тез кўникади ва Чеченистондаги жангларда қатнашган милиционерлар Россиянинг тинч шаҳарларига қайтгач, ўрганган «ҳунар»ларидан тезда воз кечадилар, дея ўзини ишонтиришга уриниш бефойдадир.

Мен бораётган машинани Москва остоналарида милиция кийимидаги уч нафар киши тўхтатди. Баланд бўйли ОМОНчи юкларимни обдон кўздан кечиргач, машинани бор кучи билан тепиб, автоматини силкитганча, мен ва ҳайдовчига қараб деди: «Жўнаб қолинглар!»

**Игорь РОТАРЬ,**
**«Известия»,**
**1995 йил 1 сентябрь.**

# БУРИЛИШ ДАВРИ...

*БУНДАН икки ойча муқаддам, болаликдан қадрдон оғайнимнинг ўғли олис юртдан ўқишдан келганини эшитиб, йўқлаш учун уйига отландим. Кундалик ташвишлар билан бўлиб, унинг хонадонига бормаганимга хийла вақт ўтган эди. Сағбонда яшайди.*

Эски шаҳардан кириладиган йўл тор ва ўнқир-чўнқир бўлгани учун, юқоридан — София (эски номи) шоҳкўчасидан йўл солдим. Чорраҳадан чапга бурилишим билан бетон тўсиқларга дуч келдим. Нарироқдан маҳалла ичидан ўтадиган кичкина йўлдан бориб, тоғдек тупроқ уюмига тўқнашдим. Машинани ортга буриб, беш-олти чақирим юриб Эски жўва бозори орқали боя ёмон деб юрмаган йўлга келдим ва Қўштутга етмасдан яна қаршимда бузилган уйларнинг тоғдай-тоғдай уюмларини кўрдим. Сал орқага қайтиб, Олча тор кўчасидан Хастимом орқали жинкўчалардан Сағбон томон ҳайдадим машинани. Йўқ, бу гал ҳам йўл ўрнида баҳайбат тупроқ уюмлари-ю, қувурлар ёткизишга тайёрланган хандақлар олдидан чиқдим. Ва уйга қайтдим. Ўттиз йилдан бери бориб юрган уйга етиб боролмаганим бир нави, лекин, бу йўлсизлик камида бир-икки йил одамларни қийнаб қўядику, деган ташвиш ҳам кўнгилни ғаш қилди. Чунки, мен енгил машинада роса бир ярим соат чор атрофини айланиб кўрган, ном-нишонсиз Сағбон кўчаси ўрнидаги бузилган уйларнинг тоғ-тоғ уюмлари ана шундай катта кўламли ва узоқ муддатли ишни талаб қилар эди.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги арафасида «Ахборот»ни томоша қилиб ўтириб, Сағбон кўчасининг янги қиёфасини, аниқроғи, янги Сағбон кўчасини кўриб, унинг байрамга очилишини эшитганимда беихтиёр, «Йўғ-е, қойил!» деб юбордим. Чорак аср газетада ишлаб, нене улкан қурилишларни кўрган ва репортажлар ёзган мухбир бўлатуриб мен бу воқеани тасаввуримга сиғдиришга ожиз қолган эдим!

Мен ким бўпман, ҳатто дунё таниган ва дунёни таниган Чингиз Айтматов ҳам ҳайрат ва мамнуятдан қўлини дуога очганда ёнида туриб Ватаним учун фахр-ифтихордан ўзимни арши-аълода ҳис этдим.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамига ташриф буюрган Чингиз оға Мустақиллик майдонидан тантаналар маркази сари одимлаб бораркан, атрофга завқ, ҳавас билан назар ташлар, ақлли нигоҳининг тубида нелардир яширингани кўзларида барқ уриб турарди. У тўхтади ва қиблага қараб қўлини фотиҳага очди:

— Илоё қирғиз ва қозоқ халқларига ҳам мана шунақа байрамлар насиб этсин! — деди ўз тилида баралла овозда ва кафтларини юзига суртди...

Чингиз Айтматовнинг бу дақиқалардаги ҳолат-руҳиятини тасаввур қилиш қийин эмасди: Унинг қалбида Ўзбекистон учун ифтихор туйғулари жўш урди ва айни пайтда ўз халқининг шундай юксакликка кўтарилмоғини ният қилди. Аслида, ўзбек билан қирғиз ўртасидаги масофа унча олис эмас, бари-туркий қавм. Чингиз оға буни биздан-да чуқурроқ тушунади ва ҳис этади. Худди шунинг учун — қардошим, жондошим деб қабул қилган Ўзбек элининг ютуғини ўз ютуғидек, қайғусини ўз қайғусидек кўтаради. Ёдингиздами, ҳали шўро ҳукумати оёғида мустаҳкам турган ва Ўзбекистон бошида навбатдаги қатағон қиличини ўйнатган «Гдлян ва Ивановлар даври»да ҳамма писиб ин-инига кириб кетганида «Ўзбеклар сизлар ўйлаганчалик муттаҳам-нотавон халқ эмас, кўзларингизни каттароқ очинглар» деган мазмундаги биринчи мақолани марказий газетада ким эълон қилган эди? Чингиз Айтматов! Ўша давр, ўша шароитда бу улкан қаҳрамонлик билан баробар эди. Агар қондошига жони ачимаганда ўз мавқеини хавф-хатарга қўйиб бунақа қаҳрамонлик қилиш нима учун керак? Ҳа, Чингиз оға азбаройи жони ачиганидан ва содир этилаётган ноҳақ хўрликларга виждони дош беролмаганидан ана шундай жасорат билан чиқди. Ўша мақолада у ниҳоятда улкан ҳақиқатни баралла айтди: «Византия Европа маданияти тараққиётига қанчалик ижобий таъсир ўтказган бўлса, ўзбеклар ҳам Ўрта Осиё халқлари маданияти ривожига шунчалик таъсир кўрсатган».



Бугун ана шу улуғ Инсон ичида шукроналар айтиб, балки, энг оғир даврда ўзбек халқига берган баҳоси бугун амалда ўн карра ортиқроқ оқланаётганидан фахрланиб, қўлларини дуога очди!..

Байрамнинг маъноси кенг. Тасаввур қилинг, ўтган тўрт йил мобайнида иқтисодий ва маънавий ҳаётда, шаҳар ва






қишлоқларимиз қиёфасида рўй берган мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмаганда, Истиқлолнинг тўрт йиллигини бугунгидек мислсиз шодиёна билан нишонлаш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Истиқлолга муносиб бунёдкорлик ишларигина бу байрамни тўлақонли ҳис этишга, дунёга жар солиб нишонлашга имкон ва маънавий ҳуқуқ берди.

Байрамнинг эртаси дам олиш куни яна Сағбонга ташриф буюрдик. Болалар неча бор келган бу кўчани таниёлмай, илгари кўчанинг ичкарисида жойлашган ва ҳозир кўча юзига чиқиб қолган хонадонга кириб, эртаклар оламига тушиб қолгандай ханг-у-манг эдилар. Ярим аср ёшдаги одам эсини таниганидан бери ўнқир-чўнқири-ю, беҳисоб бурилишларидан зериккан бу тор кўча ўрнида қандайдир уч-тўрт ой ичида кафтдек текис, икки томонлама троллейбус қатнаётган шоҳкўча салобат ила жилмайиб тургандек.

Эски шаҳарнинг марказида рўй берган бунёдкорлик воқеаларининг биттагинаси бу! Янги Кўрасарой кўчаси, боғ ва хиёбонлар, бузилган пана-пастқам уйлардаги аҳоли жойлаштирилган янги кўпқаватли турар жойлар. Кўриб қувонасан, юриб яйрайсан! Не ажабки, болалар, ўсмирлар, катта кишилар оғзидан ҳам Ватан, виждон, диёнат борасидаги баҳс-мунозаралар, ҳаяжонли гаплар қулоққа чалина бошлади кўча-кўйларда.

Ҳа, фақат Ўзбекистонимиз қиёфасига эмас, юртимиз одамлари, халқимиз ҳам янгиланмоқда!

Илиқ гаплар қулоққа тез-тез чалина бошлаганини боиси-юртимизда вақтинча ҳукм суриб турган айрим иқтисодий қийинчиликлар сўнгги нуқтасига келди, буёғига ўсиш, юксалиш, фаровонлик сари қадам ташлайверамиз. Бу гапни ана шу ўтган тўрт йил оғир даврда, собиқ Иттифоқдош республикаларда қирғинбарот урушлар, миллий ва маҳаллий низолар, ҳатто очарчиликлар вужудга келган бир даврда йигирма миллионлик халқидан биронтасининг ҳам бурнини қонатмай олиб чиқолган юртбошимиз Олий Мажлиснинг 3-сессиясида минбардан бор овоз билан гапирдилар. Эҳҳе, мана шу қутлуғ каломни айтишга етиш учун не меҳнатлар қилинмади-ю, не машаққатлар чекилмади дейсиз!

Пойтахт кўчаларини кезинг. Хоҳ пиёда, хоҳ машинада. Баҳри дилингиз очилади. Деярли ҳар бир шоҳкўчаларнинг ўзида янгиланиш, яхшиланиш, гўзаллик ва оройиш сари ўзгаришларни учратасиз. Олмониядан келтирилган асфальт ёткизувчи машиналар оёғи теккан кенг ва равон, ойнадай текис йўлларда машина юрмайди-сузади гўё. Тошкент Тошкент бўлиб бунақа текис ва сифатли асфальтни кўрмаган ҳали. Ўзбекистон шоҳкўчасининг Навоий театри майдонидан бошлаб Халқлар Дўстлиги саройи томон юринг: илгари Гагарин номи билан аталган боғ бутунлай янги ҳусн касб этган-сулув фавворалар, ғиштин йўлкалар, дам олиш масканлари. Анҳор кўпригидан ўтиб хиёл юришингиз билан ўнг томондаги ташландиқ жойлар ўрнида улкан кўл бунёд этилди. Шундай кўлки, шомдан то тонг ёришгунга қадар катталарга боғи эрамни, болаларга эртаклар дунёсини эслатади. Қирғоқларига ва атрофига чиройли бетон плиталар билан ишлов берилган, гулзорлар учун майдончалар рассом мўйқаламида чизилгандай, одам бўйи баравар бежирим устунлар тепасига ўрнатилган шарсимон электр чироқлари кўл атрофи майдонларига маъсум тантанавор руҳ бағишлайди. Тошкентнинг жазирама ёзи-ю кузида ишдан сўнг кўл атрофини бир айланган одамнинг бир зумда кунлик чарчоғи тарқайди чамаси. Бурчакда «Кооператор» ресторани жойлашган чорраҳадан чапга бурилсангиз юз қадамлардан сўнг ўнгга-Бешёғочга элтадиган транспорт қатнови бир томонлама тор йўл бўларди. 9 январь кўчаси. Бешёғочга етгунча йўл бир жарга «шўнғиб» оларди. Жардан асар қолмади. Кенг ва равон йўл зум ўтмай Бешёғоч бозорига олиб чиқади. Неча ўн йиллар мобайнида усти омонат ёпилган бир нечта бетон пештахталардан иборат бўлган бозор бугун дунёдан келган сайёҳлар санъат асари сифатида суратини плёнкага тушириб кетаётган даргоҳга айланди. Шарқ меъморчилик обидалари нусхасида қурилган янги раста ва дўконлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Чорраҳадан чапга бурилинг. Фурқат кўчаси. Икки юз қадам юргач илгариги йўл яна пастга шўнғирди. Бўржар кўпригига. Кеча наҳорги ошда икки йигитнинг ўзаро гапи қулоққа чалинди:

— Бешёғочни кўпригидан ўтдингми? Во-ой, худди чет элга ўхшайди!

— Фақат Бешёғочмас, Тошкан қойил бўляпти ўзи, эски Софийский кўчани қара, немисларни машинаси боплаб ташлади ўзиям! Зўр машина экан-да — ўзи эски асфальтни кўчиради, ўзи асфальт қоради, ўзи ёткизади, текислайди. Яна десанг, қоришмаларга солинган хомашёдан биронтаси белгиланган меъёрдан кам бўлса-ишламас экан.

— Софийскийдаги янги асфальтнинг сифатини бизнинг мутахассислар бешга баҳолашипти. Немислар эса «уч» қўйганмиш...

Шунақа гаплар.

Эшитаяпсизми, мана шу оддий янги асфальт йўл замиридаги суҳбатдан қалбларда уйғонаётган Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат туйғусининг иси келмоқда, сурати кўринаяпти. «Наврўз» бахт уйи мажмуаси, унга туташ Навоий боғи, «Туркистон» саройи, теннис спорт корти. Буларни кўрган, буларнинг бағрида яйраган бугунги Ўзбекистон фуқаролари, мустақил ҳаёт остонасида турган ва бу ҳаётга қадам қўйган ёшлар қалбида нечун Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат руҳи жўш урмасин! Инсон қалби борки, буларни ҳис этмай иложсиз.

Ғалаба боғида туркиялик қардошлар ҳамкорлигида бунёд этилган Диснейлэнд болалар ўйин ва ҳордиқ мажмуасининг ўзи алоҳида бир олам. Бундай даргоҳ нафақат Марказий Осиёда ягона, балки ривожланган давлатларда ҳам бармоқ билан санарли. Булардан баҳраманд бўлган фарзандлар нечун келажаги буюк, бугуни оройишу эртаси порлоқ Ўзбекистон давлатининг муносиб ўғил-қизлари бўлишмасин!

Тошкентда бу қадар улкан бунёдкорлик ишларининг тез ва соз рўёбга чиқишида Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг йўл-йўриғини мутахассисона ижро этаётган шаҳар ҳокими К. Тўлагановнинг ҳиссаси салмоқли эканини айтиш жоиз.

«Вақтинча иқтисодий қийинчиликлар даври» деб аташга ўрганиб қолган бугунги кунимизда эрта-индин маҳсулот бермайдиган мана шундай қурилишларга миллиард-миллиард сўму миллионлаб долларлар сарфлаш шартмиди, деган савол ҳам туғилади баъзи доираларда. Шарт эди. Шарт эди дейдиган доно сиёсат Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амал қилгани учун ҳам бугун-тўртинчи йилдаёқ ўзбекни жаҳон таниди, Ўзбекистон Республикасини давлат сифатида дунё тан олди. Мустақиллик майдонидаги тантаналарни атрофдаги қурилишларсиз, янги иншоотлару боғ-хиёбонларсиз бир тасаввур қилинг — бугун боридан кўра анча ғариб кўринарди. Футболчиларимизнинг Японияда Осиё чемпиони бўлиб келгани авваламбор Худо футболчиларимизга ва Ўзбекистонга ато этган омад бўлса, қолаверса бу ғалабанинг илдизи ҳам мамлакатимиздаги янги қурилишлару маданият, спорт соҳаларига бориб тақалади. Оллоҳ ҳам оёғини осмонга узатиб ётганга эмас, ҳаракат қилганга, интилганга беради. Қўлингиз ишдаю, кўнглингиз дуода бўлсин деб шуни айтадилар. Ёки, Мустақилликнинг дастлабки, энг оғир йилларидан бошлаб қурилган Юнусобод теннис кортини олинг. Бу ерда икки марта ўтказилган халқаро мусобақалар Ўзбекистонни жаҳонга шундай танитдики, бу таништирувни теннис кортига сарфланганидан бир неча баробар кўп валюта сарфлаб ҳам уддасидан чиқиб бўлмас эди.

Дунё тан олгандан кейин, бўлак бўлиб чиқиб кетгач узоқ муддат тан олишни истамай ижирғаниб қараб келган собиқ қардошларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар ва ноилож тан олмоқдалар. Барибир, инсон табиати мураккаб-да, кечагина сенга «шогирдингизман, укангизман, сиз менинг катта акамсиз» деб юрган одам бугун ўзидан ўзиб-ўсиб кетаётганини кўрганда айримлар қалбидаги эски ғашлик бир ғимирсилаб қўядики, бунга ҳам ҳушёр бўлмоқ даркор кўринади. Марказий Осиё ўйинлари муносабати билан «Время» дастурига интервью берган Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч ўз сўзида «Ўзбекистон — мўъжизалар мамлакати эканини мен ўз кўзим билан кўрдим» деган эди интервьюни ёзиб олиш пайтида. Бу лавҳа-репортаж эфирга берилди, лекин Самаранчнинг журналистика нуқтаи-назаридан энг жонли ва образли юқоридаги гапи «қирқиб ташлаб» берилди...

Албатта, бу билан Ўзбекистондаги мўъжизалар тўхтаб қолмайди. Журналист Владислав Листьевнинг ўлими муносабати билан «Останкино» жамоаси олдида сўзга чиққан Россия Президенти Б. Ельцин ҳам давлатимиздаги мўъжизалардан бири — жиноятчиликка қарши курашнинг ижобий натижасига, гарчи моҳиятни бироз бузиброқ ифодалаган бўлса-да, тан берди. Украина Президенти Л. Кучма юртимизга расмий ташрифи чоғида матбуот конференциясида Кировоград меҳнаткашлари машина ўғриларини қанақа қилиб йўқотгани тўғрисида Президент Ислом Каримов тажрибасини сўрашни топширганликларини айтди. Собиқ қизил империядаги иккинчи йирик республика раҳбарининг шу биргина эътирофи Ўзбекистоннинг қайта қуриш сиёсатини тан олгани деб баҳолаш мумкин. Учинчи йирик республика бўлган Беларус давлати Президенти Лукашенко эса Ўзбекистоннинг янги жамият қуриш йўл-йўриғини ўз мамлакатида қўллаш нияти туғилганини очиқ-ойдин айтди.

Начора, қуёшни этак билан тўсиб бўлмайди. Қуёшни тўсолмагач, унинг нурида исинадилар. Дунё тан олган ва олаётган Ўзбекистон тажрибаси, янги жамият қуриш тамойиллари бошқалар учун ҳам йўлчи Юлдуз вазифасини ўтаса, демак шунга муносиб тажриба экан.

Ўтган уч-тўрт ой ичидагина рўй берган бу янги бунёдкорлик ишларию воқеа-ҳодисаларни қоғозга туширарканман, дунёнинг кўп мамлакатларига тарқайдиган «Век» газетасининг шу йил 21-27 июль сонида эълон қилинган газета махсус мухбирининг чечен халқининг пайғамбарсифат намояндаси Супянбек Шерипов билан суҳбатидаги лавҳалар хаёлимда гавдаланиб, газетани қайта қўлимга олдим. Бир лавҳа шундай: « — Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурингизга мос келадиган одам борми?» — дея савол беради мухбир. С. Шериповнинг жавоби:

— Бор. У — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. СССР парчаланиб кетганидан кейин энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинадиган ишлар XXI аср Ўзбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради».

Азалдан маълумки, буюк шахслар тарихнинг бурилиш даврларида бунёдга келади...

**Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,**
**журналист.**

Зангиота туман АТ «Пахта-банки» Зангиота тумани «бош пиллахона»сини 1995 йилнинг 25 августидан тўлов қобилиятига ярокcиз деб эълон қилади.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ**

**Иқтисодий тадқиқотлар марказига ишга қабул қилиш учун номзодлар танловини эълон қилади**

Бунда:

⇨ тугаллаган олий иқтисодий ва молиявий маълумотга эга бўлган;
⇨ макро ва микро иқтисодий асослари, пул, молия ва кредит назарияларини эгаллаган;
⇨ иқтисодий таҳлил ва тадқиқотларга иштиёқи бўлган;
⇨ давлат ва хорижий тилларни билувчи

**номзодларга устиворлик берилади.**

Қабул чоғида номзодларнинг илмий даражаси ва уларнинг банклар, давлат муассасалари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларидаги иқтисодий иш тажрибаси ҳисобга олинади.

**Маълумот учун телефон:**

☎ **36-77-78.**



**Миллий Инвестиция фонднинг бош корхонаси ва қимматбаҳо қоғозлар сотиш дўконининг жойлашиш жадвали**




*СИЗНИ КУТАМИЗ! ЖАНОБ ИНВЕСТОРЛАР!*

